

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Белорус Республикаси Ҳукумати ўртасида стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлик тұғрисида

БИТИМ

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Белорус Республикаси Ҳукумати, бундан буён Томонлар деб аталади,

иктисодий, савдо ва бошқа муомилалардаги, техникавий түсікларни бартараф этиш, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштиришнинг аҳамиятини ҳисобга олиб, унинг инсон ҳаёти ва соглигига хавғызлигини таъминлаш, атроф мұхитни муҳофаза қилишнинг аҳамиятини инобатта олиб, мустаҳкам техникавий ҳамкорликдан манбаатдор бұлған ҳолда қуидагилар тұғрисида келишиб олдилар:

I МОДДА

Томонлар, стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш миллий тизимини ҳаракатта келтириш ва шакллантиришда тұла мустақиллікка эга бұлған ҳолда,

абағамжихатлық билан стандартлаштириш давлат тизими, үлчовлар бирлигини таъминлаш тизими ва сертификатлаштиришнинг миллий тизимларини тан оладилар ва уларни такомиллаштира борган ҳолда максимал даражада үйгүнлашувига ҳаракат қиласылар,

физикавий миқдорлар бирлигининг миллий эталонларини тан оладилар, әнд күп нағ келтирадиган холатда ўзаро биргаликда ғойдаланишга йўл қўядилар,

ўлчов вositалари давлат реестрларини, аккредитайя қилинган текширув лабораторияларни ўзаро тан оладилар,

моддалар таркиби ва хусусиятларининг стандарт намуналарини ва материалларни яратиш ва фойдаланишда шунингдек, моддалар ва материалларнинг хоссалари тўғрисида стандарт-аҳборот маълумотларини яратиш ва фойдаланишда ўзаро биргалиқда харакат қиласидар,

сертификатлаштириш бўйича идоралар, аккредитация қилинган синов лабораториялари, сертификатлар ва сертификатлаштириш миллий тизими асосида ўзаро маҳсулот етказиб беришнинг мослик белгисини тан оладилар.

2 МОДДА

Томонлар, юкорида кўрсатилган соҳалар бўйича ҳар хил талаблар бўйича келишилган шартларда меъёрий техникий ҳуққатларни ўзаро бир-бирларига такдим этадилар,

ҳар бир мамлакатда стандартлаштириш, метрология, сертификатлаштириш бўйича миллий идораларнинг маҳсус нашрларида фаолиятнинг барча соҳаларида ушбу амалий ҳамкорликни юзага чиқариш ва уни амалга ошириш дастурлари ҳакида аҳборотлар бериб турадилар.

3 МОДДА

Мазкур Битимда кўзда туттилган ишларни мувофиқлаштириш, уларни амалга ошириш:

Ўзбекистон Республикасида - Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат марказига;

Белорус Республикасида - Белорус Республикаси Вазирлар Ҳенгаси хузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Қўмитага юклатилади.

3

4 МОДДА

Томонлар, Томонлардан бири аъзо бўлган у ёки бу ташкилотда иштирок этишга ёки шундай ташкилотга киришига бирбира ёрдам берадилар.

5 МОДДА

Томонлар, мазкур Битим доирасида амалга ошириладиган ишлар ва эришилган илмий-техникавий натижалар тўгрисида олинаётган хужжатлар ва ахборотларнинг маҳфийлигини шартекилиб кўнган бўлса, уларнинг маҳфийлигини таъминлайдилар.

6 МОДДА

Томонлардан биттаси ҳамкорлик давомида олаётган илмий-техникавий ахборотни, бошқа бир томон у ахборотнинг маҳфийлиги тўгрисида у Томонни огоҳлантирган бўлса, эркин фойдаланиши мумкин. Бу ахборот уни тақдим этган Томонларнинг розилиги билан учинчи давлатга берилиши мумкин.

7 МОДДА

Мазкур Битим қоидалари лозим топилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш Ўзбекистон давлат маркази билан Белорус Республикаси Вазирлар Кенгashi ҳузуридаги стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича Кўмита ўртасида тузилган қўшимча Битимлар (баённомалар) билан аниқлик киритилади.

8 МОДДА

Мазкур Битим Томонлар ва уларнинг стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш соҳасидаги ташкилотлар билан илгари тузилган шартномаларига дахлдор әмас.

9 МОДДА

Мазкур Битим қоидаларини томонлар орасида талқин қилинишига оид баҳслар, ўзаро консультация ва турли даражадаги музокаралар йўли билан ҳал қилинади.

10 МОДДА

Мазкур Битим икки томонники бўлиб, учинчи давлатнинг манфаатлариға дахлсиздир.

II МОДДА

Мазкур Битим чегараланмаган муддатга тузилади, у имзоланган кундан кучга киради ва Томонлардан бири иккинчи Томонга ўзининг бу Битим ҳаракатини тұхтатиш ҳохиши ҳақида ёзма равишда ҳабар қилган кундан 6 ой муддат ўтганига қадар амал қиласи.

Олма-Ота шаҳрида 1994 йил 13 майда икки нусҳада, ҳар бири ўзбек, белорус ва рус тилларида тузилди, шуни ҳам айтиш керакки ҳамма матнлар бир хил кучга эга ҳолида имзоланди.



Узбекистон Республикаси



Белорус Республикаси